

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХУСАНОВ АНВАР МИРЗАКБАРОВИЧ

**АҲОЛИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СТАЦИОНАР ТИББИЙ
ЁРДАМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ХАМДА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менеджмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Хусанов Анвар Мирзакбарович

Аҳолига ихтисослаштирилган стационар тиббий ёрдамни ташкил қилишни такомиллаштириш ҳамда covid-19 пандемияси шароитида унинг самарадорлигини ошириш..... 3

Хусанов Анвар Мирзакбарович

Совершенствование организации стационарной специализированной медицинской помощи населению и пути повышения ее эффективности в условиях пандемии COVID-19..... 23

Khusanov Anvar Mirzakbarovich

Improving the organization of inpatient specialized medical care for the population and ways to increase its effectiveness in the context of the COVID-19 pandemic.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХУСАНОВ АНВАР МИРЗАКБАРОВИЧ

**АҲОЛИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СТАЦИОНАР ТИББИЙ
ЁРДАМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ХАМДА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менеджмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib374 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Акилов Хабибулла Атауллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Искандарова Шахноза Тўлқиновна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ан Андрей Владимирович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007.Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007.Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (+99871) 268-17-44

Диссертация автореферати 2021-йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021-йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.А.Асадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Янги коронавирус инфекцияси COVID-19 - SARS-CoV-2 коронавируси чиқарувчи потенциал жихатдан оғир ўткир респиратор инфекция бўлиб, унинг махсус асоратларига вирусли пневмония ва у нафас етишмовчилиги ҳамда ўткир респиратор дистресс-синдром билан боғлиқ бўлган юқори даражали ўлим хавфини туғдиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «34 миллиондан ортиқ касалланиш ҳолатлари ва 1 000 000 дан ортиқ ўлим ҳолатлари қайд этилган ва бу маълумотлар кунига янгиланиб турибди»¹. COVID-19 пандемияси даврида инсон саломатлигига таъсир қилувчи хавфли омилларни бошқариш ва тизимли мониторинг олиб бориш, соғлиқни сақлаш менежментини ривожлантириш жамият саломатлигини кўллаб-қувватлашда биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда COVID-19 пандемияси шароитида аҳолига стационар ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкил қилишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада COVID-19 касаллигининг салбий оқибатлари эҳтимоллигини прогнозлаш предикторларини аниқлаш; касалликнинг клиник кўринишларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиш; беморларда мавжуд бўлган ҳаётий муҳим аъзолар сурункали патологиясининг кечишига бу инфекциянинг потенциал таъсирини аниқлаш; дори воситаларининг метаболизми, цитотоксиклиги аниқлаш ҳамда антитаналар ишлаб чиқариш; даволаш ва ижтимоий чоратadbирларни оптималлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. COVID-19 касалликнинг тарқалишини кузатиш, унинг вирулентлигини баҳолаш ҳамда аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш ва инфекция тарқалишининг олдини олиш чораларини оптималлаштириш кабилар ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда инсон саломатлигига таъсир қилувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимли мониторинг олиб бориш, COVID-19 чақирган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга барча турдаги тиббий хизматни ташкиллаштириш, касалликнинг янги шакллари аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, жамият саломатлиги, касалликлар

¹ World Health Organization declares global emergency: A review of the 2019 novel coronavirus (COVID-19). Int J Surg. 2020;76:71-76.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

профилактикаси ва аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталигини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. COVID-19 сингари кўп пандемик инфекцион касалликларнинг тезкорлик ва прогноз қилиб бўлмаслик хусусиятлари чекланган сондаги илмий натижалар билан изоҳланади. COVID-19 пандемияси жараёнида тиббий муассасалар учун уларнинг тикланишида рақамли инновациялар асосий аҳамият касб этиши аниқланган (J.V. Short et al., 2020). Беморларга уйда хизмат кўрсатишда рақамли тиббий технологияларнинг имкониятларини аниқлаб чиққан ҳолда теле-мониторинг COVID-19 билан касалланган (гумондор) шахсларни ҳолатини кузатиш имконини берган ва клиник белгилар ёмонлашишини ўз вақтида аниқлаш, касалхонага ётқизиш сонини камайтириш, натижада чекланган ресурсларни тежаш имконини берган ҳамда соғлиқни сақлаш тизими имкониятларини оптималлаштирган ва вирус тарқалиши хавфини минималлаштирган (A.V. Silven et al., 2020). Барча тиббиёт муассасалари даражасида беморларни олиб бориш ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш бўйича ходимларни ошириш зарурияти исботланган (L. Carenzo et al., 2020). Кундалик тартибда қайта муҳокамалар ўтказиш ва баённома ва муолажаларни янгилаб бориш заруратини алоҳида баҳоланган. COVID-19 пандемиясига қарши ҳал қилувчи стратегия соҳалараро ҳаракатдан фойдаланиш ҳамда касаллик тарқалиши ва унинг ҳалокатли клиник оқибатларини юмшатиш технологиясини ишлаб чиқишга асосланган (A.R. Abbo et al., 2020). COVID-19 пандемияси давом этиб турган вақтда беморларни парвариш қилишни таъминлашда ходимлар билан таъминланганлик адекват даражада бўлиши жуда муҳим эканлигини асосланган (A. Remuzzi et al., 2020). Хавфларни баҳолаш ва шифохона тиббий ходимларини бошқариш бўйича мавжуд бўлган халқаро тавсиялар

оддий бўлмаслиги, чунки кўп давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизими ўзининг тузилиши ва ходимлар салоҳияти жиҳатидан катта фарқ қилиши баҳоланган (Remuzzi A, Remuzzi, 2020).

Дунёда COVID-19 пандемияси даврида тиббиёт муассасалари, хусусан, ходимлар фаолиятини ташкиллаштириш борасида маҳаллий сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, COVID-19 пандемияси даврида жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш менежменти соҳасидаги ўзгаришлар мониторинги, тегишли қарорларни мослаштириш, реал вақт тартибда мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мавжуд бўлган ва янги тиббий муассасалар даражасида самарали ташкилий-функционал моделни илмий асослаш ва шакллантириш долзарб йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 01.6.1500212-сон илмий лойиха доирасида бажарилган (2020-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади республикада коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус “1-сон Зангиота” шифохонаси каби марказларни ташкил этиш учун модел сифатида COVID-19 беморларига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий нашрлар ва расмий манбалар таҳлили асосида COVID-19 чақирган коронавирус инфекцияси муаммоси ҳолатини аниқлаш;

беморларнинг энг заиф гуруҳини аниқлаш ва касалликнинг салбий оқибатлари эҳтимоллигини прогнослаш предикторларини шакллантириш учун Тошкент вилояти Зангиота туманидаги янги кўп тармоқли шифохонага COVID-19 нинг оғир ва ўта оғир шакллари билан келган беморларнинг демографо-аналитик таҳлил ўтказиш;

стандартлаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли бўлимга тақсимлаш мақсадида беморлар ҳолатини ва COVID-19 клиник кўринишларини баҳолаш мезонлари ва тактикани ишлаб чиқиш;

янги кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонаси шароитида COVID-19 чақирган коронавирус инфекцияси билан беморларга барча турдаги тиббий хизматни ташкиллаштириш ва ҳажмини шакллантириш хусусиятларини аниқлаш;

реанимация ва интенсив даволаш бўлими шароитида касалликнинг оғир ва ўта оғир шакллари билан беморлар кўплаб тушганида COVID-19 чақирган коронавирус инфекциясини даволаш протоколларини ишлаб чиқиш;

COVID-19 коронавирус инфекцияси бўйича янги кўп тармоқли марказ тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти Зангиота туманидаги янги ихтисослаштирилган тиббиёт маркази хизмат қилган. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга

мўлжалланган махсус “1-сон Зангиота” шифохонасида COVID-19 чақирган коронавирус инфекцияси билан 10814 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ихтисослаштирилган тиббиёт марказида COVID-19 чақирган коронавирус инфекцияси билан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкилий-функционал модели ва меъёрий-услубий хужжатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда эксперт, умумий клиник, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт марказида беморлар ёппасига келиб тушганида COVID-19 коронавирус инфекцияси оғир турларида хавф гуруҳлар аниқланиб, реанимация ва интенсив даволаш ташкиллаштирилган ва ҳажми аниқланган;

интенсив даволаш тактикасини танлашга таъсир этувчи COVID-19 нинг салбий оқибатлари эҳтимоллигини прогнозлашнинг асосий предикторлари ва сабаб-оқибат боғлиқликлари исботланган;

COVID-19 билан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш ва ташкиллаштириш тизимини такомиллаштириш, мутахассислар клиник фаолиятининг янги ёндашувларини шакллантириш зарурати борлигини кўрсатувчи амалий тавсияномалар таклиф қилинган;

COVID-19 шароитида стандартлаштирилган ёрдам кўрсатиш учун реанимация ва интенсив даволаш бўлимларига тақсимлашни таъминлаш учун бемор ҳолатини ва клиник кўринишларини эрта баҳолаш мезонлари ва тартиблаш тактикаси ишлаб чиқилган;

COVID-19ли беморлар ёппасига тушганида реанимация ва интенсив даволаш бўлимида касалликнинг оғир ва ўта оғир шаклларини даволаш мезонлари ишлаб чиқилган.

COVID-19 пандемияси билан курашиш бўйича мавжуд бўлган ва янги тиббий муассасалар даражасида Республикамизда ташкилий-функционал моделни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, ётоқхонадаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва керак бўлганда уларни реанимация бўлимларига айлантириш асосида стационар ёрдам тузилмасини такомиллаштириш; аҳолининг касалланиш даражаси ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор мутахассисликлар бўйича стационар ёрдамни кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг стационар тиббий ёрдам устуворлиги ҳақидаги позициясини инобатга олган ҳолда, COVID-19 билан касалланган беморларга ихтисослаштирилган ёрдамни янада ривожлантириш мақсадида аниқ узлуксизликни таъминлаш зарур.

Телемедицина технологияларини жорий этиш "қизил", "сарик" ва "яшил" зоналарни қатъий изоляция қилиш шароитида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада яқинлаштиради, тиббиёт ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш ва беморлар учун тиббий маслаҳатлар,

мутахассисларнинг маслахатлари учун конференциялардан кенг фойдаланади.

COVID-19 билан оғриган беморларни касалликнинг нохуш оқибатлари эҳтимоли юқори бўлган гуруҳларга танлаш учун уларнинг аҳволи ва COVID-19 клиник кўринишини баҳолаш учун ишлаб чиқилган мезонлардан фойдаланиш ва стандартлаштирилган ёрдам кўрсатиш учун тегишли бўлимларга этапли юбориш мақсадга мувофиқдир.

Коронавирус инфекциясининг оғир ва ўта оғир шакллари бўлган беморларни оммавий қабул қилиш шароитида COVID-19 гипokoагуляцион терапия, нафас олишни қўллаб-қувватлаш ва антибиотик терапияси учун аниқ алгоритмларни таъминловчи реанимация протоколидан фойдаланиш керак.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотнинг услубияти ва дизайне амалий соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги; тадқиқотнинг ўзи мазкур тадқиқот учун қўйилган мақсад, вазифалар ва предметларга мос ҳолда бажарилганлиги, замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, математик-статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, ташхислаш ва профилактик даволашни оптималлаштириш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколати тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 пандемияси шароитида соғлиқни сақлаш менежменти хусусиятларига сезиларли ҳисса қўшади, шунингдек касаллик оғир турлари клиник кечишининг хусусиятлари ўрганилган ва таҳлил қилинган, интенсив даволаш тактикасига таъсир этувчи COVID-19 салбий оқибатлари эҳтимоллигини прогностлашнинг асосий предикторлари ва сабаб-оқибат боғлиқликларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, мутахассисларнинг клиник фаолиятини ташкиллаштиришга янгича ёндашувларнинг самарадорлиги баҳоланган, COVID-19 билан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини оптималлаштиришга янгича ёндашувлар аниқланган, янги ихтисослаштирилган тиббиёт марказига татбиқ этиш учун ишлаб чиқилган ташкилий-функционал модел ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тиббий муассасаларда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 билан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкиллаштиришни ишлаб чиқиш ва илмий асослашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Янги коронавирус инфекцияси COVID-19 билан беморларни олиб бориш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Янги коронавирус инфекцияси COVID-19 билан беморлар кўплаб келиб тушганида уларни олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 апрелдаги 8н-д/142-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий тавсиянома соғлиқни сақлаш тизими фаолияти сифатини яхшилаш, COVID-19 билан беморлар кўплаб келиш тушганида уларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш ва махсус асоратлар сонини камайтириш имконини берган;

COVID-19 билан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкиллаштиришни ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқотлар натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволашга мўлжалланган Республика 1-сон Зангиота ва 2-сон Зангиота махсус шифохоналари, ҳамда Вирусология ИТИ амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 сентябрдаги 08-09/12756-сон маълумотномаси). Янги кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонаси шароитида COVID-19 билан беморларга барча турдаги тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш ва ҳажмини шакллантиришни такомиллаштириш шифохонанинг ўтказиш имкониятини, реанимация ва интенсив даволаш бўлимлари имкониятлари ва самарадорлигини ошириш, беморларнинг энг заиф гуруҳларини аниқлаш, кўплаб беморлар келиб тушганида COVID-19 ни даволаш баённомасини ишлаб чиқиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика журналларда, 1 таси чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамиятлари келтирилган, ишнинг апробацияси ва тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Пандемия шароитида COVID-19 коронавирус инфекциясини даволашни ташкил этишнинг жаҳон амалиёти»**, деб номланган биринчи бобида COVID-19 клиник жиҳатлари, COVID-19 чақирган коронавирус инфекцияси билан беморларга тиббий хизматни ташкиллаштириш ва унинг ҳажми хусусиятларига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Жаҳон адабиётлари таҳлили шуни кўрсатдики, ижтимоий саломатликни қўллаб-қувватлаш ва соғлиқни сақлаш

менежментини ривожлантиришда COVID-19 пандемияси даврида ўтказилаётган илмий-амалий тадқиқотлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Жамоат соғлиқни сақлаш тизимининг шу каби инқирозлари билан курашиш ва келгусида уларни енгиб ўтишда турли давлатлар иштирокида биргаликда иш олиб бориш, жумладан, имкониятлари чекланган давлатларни етарлича қўллаб-қувватлаш жуда муҳим ўринни эгаллайди. Профилактик, диагностик ва интервенцион чора-тадбирларни ишлаб чиқиш устувор масала бўлиши лозим. Беморлар ва тиббиёт ходимлари хавфсизлигини таъминлашнинг мавжуд бўлган протоколларига ўзгартиришлар киритиш зарурлиги ҳам шубҳа туғдирмайди. Ҳозирги вақтда ва узоқ муддатли кейинги тадқиқотларни давом эттириш COVID-19 профилактикаси ва даволашнинг мавжуд бўлган усулларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Пандемия шароитида COVID-19 коронавирус инфекциясини даволашни ташкил этишнинг материаллари ва усуллари**», деб номланган иккинчи бобида ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт марказининг тузилиши, клиник кузатувларнинг умумий тавсифи, беморлар ҳолатини баҳолашнинг қўлланган протоколлари ва COVID-19 коронавирус инфекциясини патогенетик даволаш схемалари ҳамда қўлланган статистик таҳлил усуллари акс эттирилган.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилган янги ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт маркази ушбу тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб ҳисобланади. Дастлаб 2000 та шифо ўрнига мўлжалланган «1-сон Зангиота» махсус шифохонаси тақдим этилган ва қуйидагилардан ташкил топган: карантин хоналар (бокслар) – 300 та ўрин, карантин хоналар (ярим бокслар) – 600 та ўрин, реанимация ва интенсив даволаш бўлимлари – 144 та ўрин; туғруқ мажмуаси, хирургия бўлими, тиббиёт ходимларининг яшаш бўлимлари – 600 та ўрин, дорихона, зарарсизлантириш лабораториялари, техник бўлим ва қўриқлаш бўлими.

Кейинчалик эса «2-сон Зангиота» махсус шифохонаси қуриб битказилди ва тиббиёт марказининг умумий қуввати 3167 та шифо ўрнигача етказилди (2020 йилнинг 20 сентябрига келиб). Янги карантин хоналари, реанимация бўлимлари ва интенсив даволаш хоналари очилди ва фаолият бошлади, туғруқ мажмуаси ва хирургик бўлимлар кислород таъминоти бўлган ва тегишли интенсив давога мослаштирилган хоналарга трансформация қилинди. Бугунги кунда марказда 305 нафар шифокор, 468 нафар ўрта ва 339 нафар кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Ўрганилган давр давомида Марказда тиббий хизматнинг ихтисослаштирилган турларини ва шифохонанинг материал-техник базасини такомиллаштиришга қаратилган ишлар олиб борилди. Экстракорпорал дектоксикация бўлими, туғруқ мажмуаси ва педиатрия бўлимларини очиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Диссертациянинг «**COVID-19 билан беморларни даволашга мўлжалланган ихтисослаштирилган тиббий марказни ташкил қилиш ва бошқариш**», деб номланган учинчи бобида ихтисослаштирилган кўп

тармоқли тиббий марказ тузилмаси ва даволаш-профилактик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий таъминланиши таҳлил қилинган. Кўрсатилишича, COVID-19 пандемияси шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Қарор ва Фармонлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори асосида соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш тизимини қўллаб-қувватлаш ва оптималлаштиришга диққат-эътибор қаратилди ва бу қисқа вақт ичида Тошкент вилояти Зангиота туманидаги янги ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт маркази асосида ташкил этилган катта миқёсдаги юқумли касалликлар касалхонасининг оммабоплиги ва самарадорлигини ошириш имконини берди.

Хусусан, қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар COVID-19 коронавирус инфекцияси билан беморларга тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган янги ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт марказининг даволаш-профилактик фаолиятини таъминлаш учун бугунги кунда асос бўлиб хизмат қилади:

- 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»;

- 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июлдаги 4649-сон «Коронавирус инфекциясига қарши кураш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

- 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

- 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Меъёрий-ҳуқуқий таъминланишнинг меъёр ва қоидалар тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда миллий соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичларида уларни бажариш шarti Ўзбекистон Республикасида янги коронавирус инфекцияси COVID-19 кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича давлат стратегиясини амалга оширишда максимал натижага эришиш имконини беради.

COVID-19 пандемияси бўйича ҳозирги билимлар ва мавжуд исботларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилмаган шифохоналарда COVID-19 билан курашиш доирасида самарали жавоб чораларини амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ортган талабларга нисбатан ходимларнинг тез мослашиши;
- ходимларнинг ички ва ташқи самарали коммуникацияси;
- асосий хизматларни кўрсатишда узлуксизликни таъминлаш;

- устувор чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;
- чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш;
- тиббиёт ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаб бериш.

Ихтисослаштирилган тиббиёт маркази тайёрлиги ва COVID-19 билан беморларни оолиб бориш бўйича жавоб чораларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча алгоритмлар ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритмларда кўрсатилган элементлар миллий соғлиқни сақлаш тизими талабларига жавоб беради, лекин барча шифохоналарга ҳам қўллаш мумкин эмас ва уларни ҳар бир шифохона тавсифидан келиб чиққан ҳолда ва уни бошқарувчи қонунчиликка мослаштириш талаб қилиниши мумкин.

Қўйилган мақсадларга эришишнинг дастлабки босқичида асосий тиббий хизматлар узлуксизлигини таъминлаш биринчи даражали вазифа, деб белгиланди (1-расм). Шифохонага ётқизиладиган ва чиқариладиган беморлар сонининг динамикасини таҳлил қилиш асосида иш режаси тузиб олинган. Шу сабабли, шифохонанинг максималд ўтказувчанлик қобилияти ҳисоблаб чиқилди ва COVID-19 авж олиш даврида шифохона хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши баҳоланди.



1-расм. Ихтисослаштирилган марказда асосий тиббий хизмат узлуксизлигини таъминлаш бўйича ишлар режаси

Беморларнинг ётқизилиши ва чиқарилиши кўрсаткичларининг миқдорий динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, 2020 йил 22 августгача бўлган даврда COVID-19 билан беморлар ётқизилишининг сезиларли ўсиши кузатилди. Кейинчалик, чиқаришга тайёрланган беморлар ҳолатини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилиши ва уларга риоя қилиш ҳисобига шифохонанинг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга эришилди. Натижада

марказ кейинги авж олиш ҳамда касалланиш ва ётқизилиш кўрсаткичларининг ортишига тайёр қилиб қўйилди, чунки бу ҳолат юртимизда карантин чоралари енгиллаштирилганидан икки ҳафта ўтгач кузатилган эди.

Диссертациянинг иккинчи бобида кўрсатилганидек, дастлаб 4000 ўрин-жойга мўлжалланган юқумли касалликлар марказини барпо этиш режалаштирилган эди. Бошланғич босқичда 2000 та ўрин ташкил этилган ва Зангиота-1 (5 та блок) қурилиши якунланган. Талаб ортганлиги оқибатида бошқа блоклар, яъни Зангиота-2 (5 та блок) ҳам қуриб битказилди, натижада ўрин-жойлар сони 3167 тага етди, 288 та ўринга мўлжалланган 8 та реанимация ва интенсив даволаш бўлимлари ташкил этилди ва бу Тошкент шаҳридаги бошқа шифохоналарни ёпиш ҳамда қайта ўз ихтисослиги бўйича фаолиятини тиклаш имконини берди. Шунингдек, марказнинг ҳар бир блокида интенсив даволаш хоналари ташкил қилинди ва жиҳозланди (жами 240 та ўрин) ва бу реанимация бўлимлари фақат оғир ва ўта оғир беморларни қолдирган ҳолда уларнинг фаолиятини биров енгиллаштириш имконини берди.

Шундай қилиб, зарур бўлган физик майдон, мавжуд ходимлар, материал ва даволаш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда беморларни даволашни ташкил этиш мумкин бўлган қўшимча майдонларни аниқлаш ва яратиш (заҳира ўтказувчанлик қобиляти) вазифаси бажарилди. Оғир аҳволдаги беморларга тиббий хизмат кўрсатилаётган барча бинолар пульсоксиметрлар, кислород етказиш тизимлари ва оксигенотерапия учун зарур бўлган бир марталик анжомлар (назал канюлалар, Вентури ниқоблари ва қопчали ниқоблар) билан жиҳозланди.


Шунингдек, беморлар сони чегара миқдордан ўтгач, оддий хоналарни бокс ва яримбоксларга айлантириш мезонлари аниқлаб олинди ва алоҳидаланмаган беморларни қайта тақсимлаш режалаштирилди. Ўрин-жой фондини кенгайтириш ва беморларни тақсимлаш протоколларини қўллаш натижасида 21 августга келиб ётқизилганлар ва чиқарилганлар нисбати тенглашди (49% га 51%).

Барча шифохона хизматлари устуворлигига қараб тартибга солинди, зарурат туғилганида тўхтатилиши мумкин бўлган иккинчи даражалилари белгилаб олинди. Масалан, хирургик амалиёт хоналари, туғруқ мажмуаси ва боғлам алмаштириш хоналари интенсив даволаш хоналарига айлантирилди ва шифохонанинг оғир беморларни ётқизиш имкониятлари кенгайтирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, респиратор қўллаб-қувватлаш шароити яратилган COVID-19 га ихтисослаштирилган маҳаллий амбулаторий ва диагностик тақсимлаш марказлари («Назарбек» соғломлаштириш маркази, «Ўз Экспо Марказ» нинг 4 та биноси, «Ёшлик спорт мажмуаси» спорт мажмуаси, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Олимпия» спорт саройи) ташкил қилиниши шифохонага ётқизилаётган ва чиқарилаётган беморлар нисбатининг тенглашишига кўмак берди. Бундай шароитда марказ ўпканинг 70% дан ортиқ қисми зарарланган COVID-19 билан оғир ва ўта оғир беморларнигина ётқизиш имконига эга бўлди.

Ихтисослаштирилган марказга ётқизиладиган беморларнинг ўрта оғир, оғир ва ўта оғир ҳолатларининг ўзаро нисбати ўзгаришининг динамикаси таҳлил қилинди.

Натижаларга кўра, 18 августгача бўлган даврда (8 август куни ётқизилганлар сони максимал 230 нафар беморни ташкил қилган) оғир беморларнинг кўплаб келиши кузатилган. Бунда, стандартлаштирилган ёрдам кўрсатиш учун беморларни тегишли бўлимларга тўғри тақсимлаш қабул бўлимининг жуда муҳим вазифаларидан бўлди. Шунинг учун, COVID-19 диагнози тасдиқланган ва гумон қилинган беморларни тақсимлаш алгоритми ишлаб чиқилган, унинг асосини эса респиратор статусни баҳолаш ташкил этади (2-расм).



2-расм. Ихтисослаштирилган марказда COVID-19 диагнози тасдиқланган ва гумон қилинган беморларни тақсимлаш

Омилли таҳлил шуни кўрсатдики, COVID-19 коронавирус инфекциясининг оғир ёки ўта оғир кечиши предикторларига ҳаётий муҳим аъзоларнинг ёндош касалликлари киради, шу жумладан, қандли диабет, хавфли ўсмалар, цереброваскуляр патология, 2-3-босқичдаги артериал гипертензия, иммуносупрессив ҳолатлар, ўпканинг сурункали касалликлари, ўткир абдоминал патология, ўткир торакал патология, $10 \times 10^9/\text{л}$ дан ортиқ лейкоцитоз, $50\text{мг}/\text{л}$ дан ортиқ С-реактив оқсил.

Олинган маълумотларни эътиборга олган ҳолда авж олиш даврида COVID-19 билан боғлиқ бўлмаган хавф гуруҳларидаги беморларга хизмат кўрсатиш стратегияси аниқлаб олинди.



3-расм. COVID-19 пандемияси билан курашишга ихтисослаштирилган марказ фаолияти координацияси

COVID-19 пандемияси билан курашиш бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт марказининг фаолиятини координация қилиш схемасининг (3-расм) ишлаб чиқилиши унинг фаолиятини бир неча йўналишда оптималлаштириш имконини берди. Хусусан, барча бўлим ва бўлинмалар бошлиқлари иштирокида беморларни олиб боришни бошқариш тизими ишлаб чиқилди ва фаоллаштирилди; фаолият кўрсатиб турган алоқа тизими билан яхши жиҳозланган қабул бўлими ташкил этилди; жавоб бериш асосий гуруҳи шакллантирилиб, унга бош шифокор, эпидемиологик назорат гуруҳи, тегишли бўлим бошлиқлари (масалан, реанимация ва интенсив даволаш бўлимлари) ва юқумли касалликлар мутахассиси киритилди; жавоб бериш гуруҳининг турли мақсадлари учун махсус рол ва вазифалар тақсимланди, бунда иш фаолияти узлуксизлигини таъминлаш учун етарли бўлган махсус тайёрланган ҳодимлар мавжудлиги назарда тутилган; ҳодимларнинг телефон рақамлари, яшаш манзили ва электрон почта манзилдан иборат долзарб маълумотнома тузилди; кўзда тутилмаган вазиятлар учун ҳодимлар сафини тўлдириш, материал-техник таъминот, бюджет ва харидлар бўйича ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди; маҳаллий ҳокимият ва соғлиқни сақлаш органлари билан координация механизмлари аниқланди ва ўрнатиб олинди. Бунда, зарур бўлган дори-дармонлар, лаборатор хизматлар, материал ва ускуналарни ҳамда беморларни транспортировка қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий даражада интеграциялашган тиббий хизматлар билан алоқа ва ҳамкорлик механизмлари фаоллаштирилди.

Логистикани яхшилаш, оператив қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва етказиб беришларни тегишлича бошқаришдаги устувор вазифаларни бажаришга қуйидагилар кўмаклашди:

- барча ускуналар, материаллар ва дори-дармонларнинг рўйхати ишлаб чиқилган ва доимий равишда янгиланиб туради. Бунда, уларга бўлган эҳтиёж эҳтимоллиги юқори бўлган авж олиш вазияти ва унга бўлган ёндашувни назарда тутган ҳолда баҳоланган;

- сифат, техник характеристика ва ўрнатилган протоколларга риоя қилган ҳолда талаб ортганлигини ҳисобга олиб, таъминот занжирини бошқариш жараёни таъминланган. Бунда, асосий дори-дармонлар ва харажат материаллари билан узлуксиз таъминлаш шартлари аниқлаб олинган (масалан, стационар ва марказий заҳира, маҳаллий етказиб берувчилар билан кўзда тутилмаган вазиятлар тўғрисида келишувлар);

- ҳарорати, намлиги, совуқлик занжири ва ҳ.к. борасида барча талабларга жавоб берувчи қўшимча заҳираларни сақлаш учун омборхоналар ташкил қилинган;

- юридик жиҳатдан оммабоп ва санкцияланган маъмурий ва молиявий механизмлар фаоллаштирилган;

- тозалаш хизмати, дам олиш зоналари, хавфсиз транспорт ва ҳодимлар осойишталиги хизматларини ўз ичига олган ишчи гуруҳларни бошқариш тартиби таъминланган;

- асосий хизматларни кўрсатиш учун барча ускуналарга ўз вақтида хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш механизмларини таъминланган;

- беморларни шифохоналар орасида ташиш учун тез ёрдам машиналарини бошқариш тартиби таъминланган ва мавжуд бўлган транспорт воситалари инвентаризацияси, шунингдек тез ёрдам бригадасини ҳимоялаш муолажаси ҳамда машиналар ва ускуналарни ҳар бир фойдаланишдан сўнг дезинфекциялаш йўлга қўйилган;

- ҳаётий муҳим бўлган таъминот, шу жумладан, сув, электр энергияси ва кислороднинг тегишли заҳиралари таъминланган.

Юқорида кўрсатилган барча муолажалар инфор­мацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилган. Хусусан, қулай муолажалар ташкил этилиб, беморларнинг ҳаракати бўйича маълумотларни тўплаш, тасдиқлаш ва текшириш учун ҳодимлар белгиланган; шифохонага ётқизилганлар (шу жумладан, интенсив даволашга), тасдиқланган ва гумон қилинган ҳолатлар, клиник ҳолат ва ўлим ҳолатлари тўғрисида стандартлаштирилган ҳисобот шакли ишлаб чиқилган; ички ва ташқи коммуникация механизмлари ташкил этилиб, реал вақт тартибида маълумотларни алмашувчи гуруҳ, шу жумладан, масъул шахс тайинланган; жамоат, ОАВ ва соғлиқни сақлаш органлари билан координация ва кетма-кет равишда алоқани таъминлаш учун умумий маълумотлар бўйича расмий вакил ва унинг муовини тайинланган.

